



**QASHQADARYO VILOYATI
KASBI TUMANI HOKIMINING
QARORI**

180600, Kasbi tumani, Mustaqillik ko'chasi. Faks (+99875) 642-24-66, N.Boyturdiyev@exat.uz

2021 йил «20» июнь

204-4-61-Q/21

Касби туман ҳокимияти

**Туманда ўсимлик дунёси объектларидан умумий фойдаланишни
тартибга солишга доир чора-тадбирлар тўғрисида**

“Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунининг 8, 12-моддаларига мувофиқ, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 октябрдаги 290-сон қарори билан тасдиқланган “Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш ва ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 7-банди ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитасининг 2021 йил 15 майдаги 03-06-213-сон келишув хати ҳамда Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 25-моддалари асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Қуйидагилар:

Ўсимлик дунёси объектларидан умумий фойдаланиш тартиби (кейинги ўринларда -Тартиб)1-иловага;

Жисмоний шахсларнинг ҳаётий зарур эҳтиёжлари учун ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимлик дунёси объектларини, уларнинг қисмлари, мевалари ва маҳсулларини атроф табиий ўсиш муҳитидан умумий фойдаланиш учун ажратиб олиш меъёрлари (кейинги ўринларда – Меъёрлар) 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари (Қурбонов) туман экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш назорат инспекцияси (Чўлиев) билан биргаликда жисмоний шахслар томонидан ўсимлик дунёси объектларидан умумий фойдаланишда ушбу қарор билан тасдиқланган Тартиб ва Меъёрларга амал қилиниши устидан назорат ўрнатсин.

3. Ушбу қарор туман “Садоқат” газетасида расман эълон қилинсин ҳамда туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

4. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари М.Жўраев зиммасига юклансин.

Туман ҳокими



Т.А.Мейлиев

Касби туман ҳокимининг
2021 йил 20 июндаги
204-4-61-Q/21-сон қарорига
1-илова

Ўсимлик дунёси объектларидан умумий фойдаланиш

ТАРТИБИ

1. Ушбу Тартиб туман ҳудудида “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 октябрдаги 290-сон қарори билан тасдиқланган “Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш ва ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 7-банди талабларига мувофиқ, жисмоний шахслар томонидан ёввойи ўсимликларнинг техник, доривор хом ашёсини, шунингдек, ёввойи ўсимликларни озик-овқат мақсадлари, ҳаётий зарур эҳтиёжлари учун бепул ғамлаш (йиғиш)даги умумий фойдаланиш тартибини белгилайди.

2. Ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимлик дунёси объектларини, уларнинг қисмлари, мевалари ва маҳсуллари атроф табиий ўсиш муҳитидан ажратиб олиш деганда ўсимликларни йиғиш, териш, ғамлаш ҳамда ўсиш муҳитидан ажратиб олмасдан ёки фенологик кузатув, фото-видеога олиш, маданий-маърифий, тарбия, соғломлаштириш, рекреацион ва эстетик завқ олиш тушунилади.

3. Жисмоний шахсларнинг ҳаётий зарур эҳтиёжлари учун ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимлик дунёси объектларини, уларнинг қисмлари, мевалари ва маҳсуллари атроф табиий ўсиш муҳитидан умумий фойдаланиш учун ажратиб олиш киши бошига бир йилга чекланган миқдорларда текин (бепул) амалга оширилади.

4. Ўсимлик дунёси объектларининг биологик хилма-хиллиги ва барқарор фойдаланилишини сақлаш мақсадида, жисмоний шахсларнинг ҳаётий зарур эҳтиёжлари учун ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимлик дунёси объектларини, уларнинг қисмлари, мевалари ва маҳсуллари атроф табиий ўсиш муҳитидан умумий фойдаланиш учун ажратиб олишнинг киши бошига бир йилга текин амалга ошириладиган чекланган миқдорлари туман ҳокимлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан келишилган ҳолда белгиланади.

5. Мазкур Тартиб асосида умумий фойдаланишда автомобиль ва поездларнинг йўл ёқаларидаги ва экологик жиҳатдан тоза ҳудуд ҳисобланмайдиган (авто ва магистрал йўл, ҳар қандай поезд йўллари, чиқиндилар оқизиладиган ва чиқариладиган ҳудудлар) ҳудудлардаги ва яшил зоналардаги (шаҳар, қишлоқ ва бошқа аҳоли пунктларида яшил экинларни сақлаш инсон саломатлиги учун меъёрий газ алмашинувини таъминлаш, атмосферада карбонат ангидрид газининг сақланишини камайтириш мақсадидаги барча дарахт ва буталар мевалари) экологик жиҳатдан тоза маҳсулот ҳисобланмайдиган ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ва озик-овқатбоп ўсимликлар дунёси объектларидан фойдаланиш тавсия этилмайди.

6. Жисмоний шахсларнинг ҳаётий зарур эҳтиёжлари учун ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимлик дунёси объектларини, уларнинг қисмлари, мевалари ва маҳсуллари атроф табиий ўсиш муҳитидан умумий фойдаланиш учун ажратиб олиш миқдори давлат заҳира ер майдонларида ушбу Тартибга мувофиқ ва ўрмон хўжалигидаги давлат органлари ва бошқа идоралар эгалигида бўлган давлат ўрмон фонди ҳудудидаги ўсимлик объектларидан умумий фойдаланиш (фуқаролар истеъмоли ва эҳтиёжи учун) ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

7. Ўсимлик дунёси объектларининг биологик хилма-хиллиги

ва барқарор фойдаланишини сақлаш мақсадида, ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимлик дунёси объектларини, уларнинг қисмлари, мевалари
ва маҳсулларини атроф табиий ўсиш муҳитидан ажратиб олиш ер эгалари
ва ердан фойдаланувчилар билан келишув бўйича фойдаланувчининг ҳаётий зарур эҳтиёжлари билан
киши бошига бир йилга текин амалга ошириладиган чекланган миқдорларинигина жисмоний шахслар
Ўзбекистон Республикасига бепул олиб кириш ва унинг ташқарисига олиб чиқишлари мумкин.

8. Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилмаган ҳамда йўқолиш хавфи остидаги ёввойи фауна ва флора турлари билан ҳалқаро савдо қилиш тўғрисидаги конвенция (CITES)нинг I, II, III иловаларига кирмайдиган ёввойи ҳолда ўсадиган ўсимликлар, уларнинг қисмлари мевалари, уруғлар ва ботаника коллекцияларини олиб кириш ва олиб чиқиб кетишга рухсатномалар олиш умумий фойдаланиш учун белгиланган нормалардан ошган ҳолларда талаб қилинади.

9. Мазкур Тартиб куйидаги ўсимлик объектларига нисбатан амал қилмайди:

аҳоли уй ва шахсий томорқалари, хусусий ер участкалари, қишлоқ хўжалиги фаолиятини юритишда мақсадли экилган маданий ўсимликлар, улар мевалари (шу жумладан дарахт ва бута мевалари), тез ўсувчан дарахт
ва буталар мевалари;

ёввойи ўсимлик дунёси объектларини питомник ва плантацияларда кўпайтирилган турли ўсимлик хиллари.

10. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида умумий фойдаланиш меъёрларидан ортиқ ва ноқонуний равишда йиғилган, тайёрланган, шунингдек соҳага оид қонун ҳужжатлари бузилган ҳолда унинг ҳудудига олиб кирилган ёки олиб чиқиб кетишга уринилган ҳолдаги ўсимлик дунёси объектлари тартиббузарлардан олиб қўйилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ёки қўмитанинг жойлардаги ҳудудий органлари томонидан уларни сотиш ҳуқуқига эга бўлган савдо ташкилотларига шартномавий нархлар бўйича сотиш учун берилади.

11. Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишида айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда интизомий, маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиладилар.

12. Жисмоний шахслар ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш оқибатида етказилган зарарни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартларда қоплашлари шарт. Зарарни қоплаш айбдорларни қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликдан озод қилмайди.

Касби туман ҳокимининг
2021 йил 20 июндаги
204-4-61-Q/21-сон қарорига
2-илова

Жисмоний шахсларнинг ҳаётий зарур эҳтиёжлари учун ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимлик дунёси объектларини, уларнинг қисмлари, мевалари ва маҳсулларини атроф табиий ўсиш муҳитидан умумий фойдаланиш учун ажратиб олиш

МЕЪЁРЛАРИ

Т/р	Ўсимликлар тури	Ажратиб олиш меъёрлари, (киши бошига)
1	Зира (уруғи)	10 грамм
2	Доривор мойчечак (гули)	50 грамм
3	Зирк (меваси)	10 грамм
4	Ёввойи қизил дўлана (меваси)	100 грамм
5	Кийик ўти (барча аъзолари)	25 грамм
6	Газанда ўт (барча аъзолари)	50 грамм
7	Осиё ялпизи (танаси ва барги)	25 грамм
8	Ачамбити (танаси)	50 грамм
9	Дастарбош (гуллари)	10 грамм
10	Зубтурум (барги)	25 грамм
11	Чучукмия (илдизи)	100 грамм
12	Бўймадарон (гуллари)	25 грамм
13	Қирқбуғим (танаси)	25 грамм
14	Наъмatak (меваси)	100 грамм
15	Исирик (барча аъзолари)	150 грамм
16	Гулхайри (илдизи)	100 грамм
17	Далачой (барча аъзолари)	25 грамм
18	Арпабодиён (меваси)	10 грамм
19	Марваридгул (гули, барги)	25 грамм
20	Сув қалампири (танаси)	50 грамм
21	Тирнокгул (танаси)	25 грамм
22	Кўка (гули, барги)	50 грамм
23	Эрмон (барча аъзолари)	100 грамм
24	Руян (барча аъзолари)	50 грамм

Т/р	Ўсимликлар тури	Ажратиб олиш меъёрлари, (киши бошига)
25	Сано (барча аъзолари)	25 грамм
26	Чаканда (барча аъзолари)	100 грамм
27	Валериана (барги)	100 грамм
28	Тоғ райхони (танаси, барги)	50 грамм
29	Донакли окқурай (танаси)	100 грамм
30	Адонис (танаси, барги)	25 грамм
31	Замбуруғ (танаси)	1 килограмм
32	Равоч (барг банди)	300 грамм
33	Лимон ўт (танаси)	100 грамм
34	Шўра (барглари, танаси)	200 грамм
35	Қоқи ўт (танаси, барги)	100 грамм
36	Мармарак (танаси, барги)	25 грамм
37	Қарақат (танаси, барги)	25 грамм
38	Сачратқи (танаси, илдизи)	100 грамм